



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 6 июнь, № 114 (4777)

Шанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 5 июнь куни Оқсаройда Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифани қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазирининг мамлакатимизга мазкур ташрифи Ўзбекистон ва Баҳрайннинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши муштараклигидан далолат беришини қайд этди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида араб давлатлари билан муносабатлар устувор ўрин тутди. Шу маънода, Баҳрайн билан ҳамкорлик мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Баҳрайнда ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак кадрланади. Чунки юксак иқтисо-

дий салоҳиятга эга Ўзбекистон ўз минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг асосий кафолатидир. Ҳамкорлик эса фақат тинчлик ва барқарорлик шартларида ривожланади.

Ўзбекистон ва Баҳрайн ташқи сиёсат маҳкамаларининг мунтазам маслаҳатлашувлари йўлга қўйилган. Бу халқаро майдонда мамлакатларимиз бир-бирининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашига хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, томонлар мавжуд имкониятлардан тула фойдаланаяпти, деб

бўлмади. Нефть ва газни қайта ишлаш, нефть кимёси, банк-молия сектори, қишлоқ ҳўжалиги, сайёҳлик — булар ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларидир. Транспорт коммуникациялари юксак ривожлангани боис қўлб-қўл транзитли корпорациялар ўзининг бош қароргоҳини Баҳрайнда очган.

Мамлакатда саксондан зиёд хорижий банкнинг филиали фаолият юритади. Улар амалга оширадиган операциялардан тушадиган даромад Баҳрайн ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизини ташкил қилади. Бу мамлакатимизга

Баҳрайн билан алоқани кенгайтириш орқали йирик фирма ва компаниялар, банклар билан ҳамкорликни ривожлантириш имконини беради.


Ўзбекистон ва Баҳрайн гуманитар соҳада ҳам улкан имкониятларга эга. Мамлакатларимиз олимлари, маданият ва санъат намояндалари, спортчилар ўртасидаги алоқалар халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа Ўзбекистонга ташрифи асносида қатор ва-

зирлик ва идораларда музокара ўтказиб, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашганини мамнуният билан таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Баҳрайн Подшоҳлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А.)  
Сарвар ЎРМОНОВ  
олган суратлар.



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

### ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг назорат-таҳлил йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент вилояти ("Бўстонлик овози", "Бўстонлик доғуси", "Паркент тонги", "Чирчиқ тонги" ва "Чирчиқ") газеталари таҳриратларидаги ижроси масаласи муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 47 та газета, 3 та журнал ва бир неча телерадиостудиялар фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўрганилган оммавий ахборот воситаларининг ходимлари ўз фаолиятларида монеликсиз ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Бироқ мазкур Қонун ижросини таъминлашда бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, жамоатчи мухбирлар билан таҳрират ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаган. Бу эса жамоатчи мухбирларга журналист мақоми берилмаслигига, яъни турли низоли ҳолларда Қонун жамоатчи мухбирларни журналист сифатида ҳимоя қила олмаслигига сабаб бўлади.

Йиғилишда шу ҳақда сўз юритган иштирокчилар газета таҳриратлари ходимларининг малакасини ошириш, улар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиш, таҳриратларга малакали журналист кадрларни, ёш иқтидорли мутахассисларни кенроқ жалб қилиш лозимлигига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлашди.

### ДОНОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

Парламент қўйи палатасининг Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган илмий-амалий конференция "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасининг тартибга солиниши" мавзуга бағишланди.

Конференцияда шу хусусда сўзга чиққанлар мамлакатимизда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳаси қонун йўли билан тартибга солинганлигини таъкидлашди. Хусусан, 2002 йил 30 августда қабул қилинган "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бунинг исботидир.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

### КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда республикада воёга етмаганларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини юксалтириш ҳамда бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 6,2 миллион нафар мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи болаларнинг 35 фоизи мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб келмоқда. Ўтган йили 422 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 336 та спорт иншоотлари янгидан қурилди, 287 таси капитал таъмирланди, 128 таси реконструкция қилинди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида охириги икки йилда 5600 дан зиёд оммавий спорт тадбирлари ўтказилиб, уларга 1,2 миллион нафар воёга етмаганлар жалб этилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро вилоятида воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни жисмонан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда болаларни спорт билан шуғулланиш зарурлигини аниқлаш руҳида тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандарт-

ларга мувофиқлаштириш, спорт-соғломлаштириш муассасаларини оқори малакали кадрлар билан таъминлаш, спорт клубларининг иш фаолиятини кенгайтириш ва бу борада ҳар йиллик прогнозларни шакллантириш, хорижий мамлакатларнинг спортни ривожлантириш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиб, амалиётга жорий қилиш, спорт муассасаларининг моддий-техника базасини янгилаб бориш лозимлиги таъкидланди.

Қон тартибидеги масала юзасидан Маданият ва спорт ишлари вазири, комиссия аъзоси А. Жабборовнинг ҳисоботи эшитилди.

Шунингдек, мажлисда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, кўриб чиқилган масала бўйича ҳудудий комиссиялар ва тегишли муассасалар томонидан камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид остига олинди, уларни бартараф этиш ҳамда бу борада фойдаланилаётган имкониятларни ишга солиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

Ш. ОРТИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Ўзининг бой тарихига эга, ҳозирги глобал муаммоларни ишонч билан бартараф этаётган, келажакни халқнинг бебаҳо маънавий мероси асосида қураётган Ўзбекистон бугун хорижий мамлакатлар эътиборини тобора жалб этмоқда.

Яқинда Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Кувайтнинг бир қатор оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Республикасига бағишланган туркум мақолаларни чоп этди.

Кувайт ахборот агентлиги (KUNA)нинг расмий веб-сайтида Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ушбу мамлакатда араб тилида нашр этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» номи китоби ҳақидаги мақола эълон қилинди.

«Китоб ўйда бутун тараққи-

#### Жаҳон нигоҳи

ёти давомида инсониятнинг бой хазинаси бўлиб келган маънавий ва ахлоқий қадриятлар моҳияти ва аҳамиятининг теран таҳлилини муҳассам этган, — деб ёзди мақола муаллифи Зайд ал-Сирбал. — Унда ин-

сон ва жамият ҳаётида маънавий қадриятларнинг ўрни, ушбу мураккаб ва кўп қиррали тушунчаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари асосли хулосалар билан баён қилинган.

(Давоми 3-бетда.)

### Мамлакат бўйлаб

#### Баҳрайн делегацияси учрашувлари

Баҳрайн Подшоҳлиги молия вазири шайх Аҳмад бин Муҳаммад Ол Халифа раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев билан учрашди.

Юртимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида солиқ сиёсатини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Солиқ юқининг йилдан-йилга пасайиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

#### Инсон ҳуқуқлари муқаддас

Урганч давлат университетидеги «Инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг ўрни» мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбирда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди. Айниқса, «Давлат бошқаруви органлари тизими», «Конституция — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафола-

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

#### Ризқ-рўзимиз баракаси

Мамлакатимизда нон ёпиш саноатини модернизациялаш мақсадлари учун

1,7



миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Бу маблағ эвазига Ватанимизда

2010 йил

охиригача ўттизга яқин катта ва кичик нон ёпиш корхоналари реконструкциядан чиқарилади, ушбу саноат турининг иш сифати янги босқичга кўтарилади, эл дастурхонидеги нон ва турли хил нон маҳсулотлари мўл-кўллиги таъминланади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Кеча пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги истироҳат богчида 5 июнь — Бутунжаҳон атраф-муҳит муҳофазаси куни» муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

#### Барқарор ривожланиш сари

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Экологик ҳаракат ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юртимиздаги ваколатонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман «Сиз сайёрага кераксиз — иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун бирлашнинг» мавзусига бағишланди.

Таъкидланганидек, бу мавзу бежиз танлангани йўқ. Зотан,

(Давоми 2-бетда.)

#### Чорвадорлар кўнгли тўқ

Сурхондарё вилоятида келгуси чорва қишлови учун дағал хашак жамғариш ишлари қизғин кечмоқда. Аниқроқ айтганда, серёғин келган жорий йилда 3,3 миллион тоннадан зиёд хашак тўплаш режалаштирилган.

Вилоят бўйича 238 та бригада ташкил этилган бўлиб, уларда тўрт минг нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Хар бир бригада зарур ўрим техникаси, автоулов, тойлагич ва тиркамалар билан таъминланган. Уларнинг самарали ишлаши учун йилнинг бошларида материаллари ва эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Айни пайтда ишчилар учун яхши дам олиш шартлари яратилди.

Ҳозиргача 700 минг тоннага яқин озуқа тўғуланиб, ҳозирлаб қўйилди.

Г. ТАНГІРОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Спорт — миллат соғлиги омили, фарзандлар баркамоллиги гаровидир. Зеро, спорт оммавийлашган жамиятда эзулиги, тинчлик гоилари қарор топади, соғлом фикр, соғлом қарашлар ҳукмрон бўлади. Шу боисдан ҳам "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида бу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор принциплари тарихида инсонпарварлик, демократизм, фуқаролар жисмоний тарбиясининг узлуқсизлиги ва давомийлиги белгиланган. Бугун жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган барча савий-ҳаракатларни бажаришда мазкур Қонун нормаларига таяниш керак.**

# СПОРТ САЛОМАТЛИК ДЕМАКДИР

Болалар, аёллар, оила спортининг оммалашаётгани, қолаверса, халқ ҳужайилари барча тармоқларида спорт мусобақаларини ўтказиш аъёнлари қарор топаётгани, аслида, ушбу Қонуннинг амалдаги бўлиши, Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мазкур ҳужжатнинг Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганганда, бунга яна бир қарра амин бўлди.

Бугун вилоят ёшлари жаҳон ареналарида спортнинг қарийб барча турлари бўйича катта ютуқларга эришмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тобора оммалашаётган. Бунда, албатта, вилоятда спортни ривожлантириш, қишлоқ жойларда, жумладан, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда, маҳалларда жисмоний тарбия билан шуғулланишга, спортни тарғиб қилишга яратилган шароитлар, қўлайликларнинг аҳамияти беқиёс бўлаётган. Сунгги йилларда мазкур йўналишга қаратилган маблағлар кўпайиши ҳам изчил қўлайиб бормоқда. Чунинчи, ўтган йили 1 миллиард 205 миллион сўмдан ортиқ маблағ ҳозирининг жисмоний чинқишига, спорт тадбирларини ўтказишга сарфланган бўлса, жорий йилда ушбу мақсадларда қарийб 1,5 миллиард сўмлик маблағ ажратилиши белгиланган. Жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари моддий базасини кенгайтириш, соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун юридик ва жисмоний шахслардан истифода қилиш асосида маблағлар жалб этилаётгани ҳам аниқ мудоа бўлаётган. Ўтган йили улар ушбу мақсадларда 1 милли-

ард 355 миллион сўмлик маблағ ажратиб, яқиндан кўмак бергани вилоятда спортнинг янада ривож топишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда бугунги кунда 41 та спорт федерацияси, 45 та жисмоний тарбия-соғломлаштириш клуби ишлаб турибди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 31 миң нафардан зиёд ўқувчи тарбияланмоқда. Умуман, вилоятда жами 920 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларда спортнинг 41 тури бўйича мунтазам шуғулланувчилар сони 400 миң нафарга етган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими спорт иншоотларини барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёшларни спортга жалб этиш, умуман, вилоятда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда изчил фаолият олиб бормоқда. Хусусан, 2003–2008 йиллар давомида туманларда жами 12 та замонавий спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилган. Бу 5 миңга яқин болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига асос бўлмоқда. Қўноқлари, ушбу муассасаларда тарбияланганлар Афина ва Пекин шаҳарларида ўтказилган халқаро Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Қасб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар самараси ўларок, 2007–2008 йиллар давомида 19 нафар талаба мамлакат, Осиё ва жаҳон миқёсида ўтказилган мусо-

бақаларда голибликни қўлга киритган. Масалан, 2007 йилда Лондон шаҳрида ўтказилган Жаҳон шахмат фестивалида Бухоро компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Р. Ҳамроев олтин медалга сазовор бўлган. Бухоро Олимпия захиралари коллежи талабаси Д. Сулаймонова эса ўтган йили Турон яккакураши бўйича қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида олий ўринни қўлга киритди.

Ноғиронларнинг, айниқса, мазкур

## Парламент назорати

тоифадаги болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратиш борисида ҳам вилоятда муайян ишлар қилинаётганини қайд этиш жоиз. Хусусан, Бухоро шаҳридаги ақли заиф болалар тарбияланадиган 27-сонли махсус мактаб-интернат учун ҳоимлар маблағи асосида спорт анжомлари харид қилиниб, тарбияланувчиларга қўшимча қўлайликлар муҳайё этилди. Бу эътибор самарасида мазкур мактаб-интернат жамоаси 2007 йилнинг 14–18 май кунлари ўтказилган халқаро махсус олимпия спорт мусобақаларида 92 та медални қўлга киритди. Шу йилнинг октябр ойида эса Хитойнинг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган бутунжаҳон ноғиронлар спорт мусобақаларида Бухорога баскетбол бўйича медаллар шодаси билан қайтишди. Ушбу махсус мактаб-интернат ўқувчилари томонидан спорт мусобақаларида қўлга киритилган медаллар сони

106 та етгани кишини қувонтиради, албатта.

Спортнинг ҳар бир хонадонга кириб бораётгани, оммавий равишда жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар сонининг кўпаяётгани, айниқса, соғломлаштириш муассасаларида ишларнинг яхши йўлга қўйилгани боис бухоролик ёшларнинг жисмоний кўрсаткичи яхшиланиб бормоқда. Мисол учун, 9–10

лаштириш, тегишли ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитиш ушбу комиссия зиммасидаги муҳим вазифалардан саналади.

Гарчи спортнинг қўллаб турлари вилоятда ривожланган бўлса-да, сув спортни билан шуғулланишга етарли даражада қўлайликлар яратилмаган. Хусусан, таълим муассасаларида сув спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни қониқарили, деб бўлмади. Негаки, қасб-хунар таълимидаги мавжуд 72 та таълим муассасасининг атиги биттасида сув ҳавзаси мавжуд. Бу, табиийки, спортнинг ушбу тури билан шуғулланувчилар имкониятини чекайди. Келгусида масаланинг мана шу жиҳати эътиборни қўйиштириш, сув спортини ривожлантириш учун тегишли чораларни кўриш тақозо этилади.

Шу билан бир қаторда, спорт соҳисида кадрларни тайёрлашга иктисослашган айрим таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, кенгайтириш талаб этилади. Фаолияти бевосита ўрганилган Олот туманидаги педагогика ва спорт қасб-хунар коллежи 360 ўринга мўлжаллаб қурилган бўлса-да, соҳа кадрларига бўлган эҳтиёж боис унинг қўлимни кенгайтириш айна заруратдир.

Бюджет ва ҳоимлар маблағлари ҳисобида харид қилинган спорт инвентарларидан ҳамма жойда ҳам самарали фойдаланилаётгани, деб бўлмади. Чунинчи, Когон туманидаги 6-мактабга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тақдим этилган спорт жиҳозлари олти ойдан буюн ўрнатилмаган. Ғиждувон, Шофиркон, Когон туманларидаги баъзи спорт иншоотларида зарур жиҳозлардан самарали фойдаланиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган.

Спорт халқимизнинг, айниқса, ёш авлодининг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишига яхши шарт-шароит яратишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, Ўрбосимиз таъкидлаганидек, дунёда ҳеч нарсани давлатни спортчиллик тез машҳур эта олмайдди. "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, аслида, мана шу эзуни таъкидлаётганини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Бу борадаги устувор вазифа, табиийки, ушбу ҳуқуқий мажмуа нормаларини амалиётга сўзсиз таътиб эйтишдир.

Ҳамротов ШОДИЕВА,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққан мутахассислар мамлакатимизда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш бўйича изчил ишловлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Бунинг натижасида юртимизда нафақат табиатга зарар етказиш ҳолатларининг олди олиняпти, балки йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларини кўпайтиришга муваффақ бўлиняпти.

## Барқарор ривожланиш сари

БМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастури (ЮНЕП) томонидан сана муносабати билан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унда кўчат экиш, боғ яратиш, электр энергиясини тежаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш қабилар камраб олинган. Аҳамияти жиҳати шундаки, юртимизда бу масалаларга азалдан эътибор қаратиб келинади. Айниқса, дарахт ўтказиш, боғ бунёд этиш халқимизда қадрият даражасига кўтарилган, десак муболага бўлмайди. Шу сингари аъёнлар истиқлол йилларида янада жонлиниб, мамлакатимиздаги барқарор ривожланиш бўйича амалга оширилаётган изчил ишловлар самардорлигини таъминламоқда.

Хусусан, тадбирда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Анити Нироиди мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича олиб борилаётган ишларни юқори баҳолаб, жумладан, шундай деди:

— Юртингизда биргина БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда Ўзбекистон флора ва фауна дунёсини сақлаб қолиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва ривожлантириш, шунингдек, ер-сув ресурсларини оқилона сарфлаш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга ошириб келиняпти. Атроф-муҳитта инсониятнинг салбий таъсирини камайтиришга йўналтирилган бундай ҳаракатлар ўз натижасини бераётгани қувонарлиқдир.

Анжуман доирасида "Табиат — болалар нигоҳида" расмлар кўрик-танлови йўқолиб турган тақдирлар маросини ҳам бўлди.

Санд РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Баҳрайн делегацияси учрашувлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик икки томонлама манфаатли асосда ривожланиб бормоқда, — деди шайх Ахмад бин Муҳаммад Ол Халифа. — Мамлакатингиз барча соҳаларда жадал тараққиёт этаётганининг гувоҳи бўлибди. Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни, айниқса, савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бугунги мулоқотлар истиқболда янги қўша лойиҳалар иш-

лаб чиқиш ва амалга ошириш учун яхши замин бўлади.

Меҳмонлар-юртимизда хорижий инвесторлар учун қўлай сарможий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратиш, томонларга тенг манфаат келтирадиган иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш борисида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар. Томонлар солиқ соҳасидаги икки томонлама келишувларни тақомиллаштириш юзасида фикр алмашдилар.

Баҳрайн делегацияси Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам музоқара ўтказди. Сўхбат якунида икки мамлакат савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Меҳмонлар Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилдилар. Теодурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида ҳўқия қўлувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

(Ўза).


## Москва шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари ўртасида "Илнинг энг яхши аэропорти" танловига якун ясалди. Унда эллика яқин даъвогарлар орасида Бухоро аэропорти голиб, деб топилди.

## БУХОРО АЭРОПОРТИ — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Бухоро халқаро аэропортида электрон ҳисоблар жорий қилинган, аэропорт мустаҳкам моддий-техника базасига эгалиги, жумладан, самолётлар тўхташ жойлари таъмирланиб, уларнинг сони кўпайтирилган, унинг қўшимча майдонларини чанг ва қордан тозалашда янги технологиялар қўлланилиши, йўловчиларга хизмат кўрсатиш турлари ҳамда сифати ошган танлов ҳақида ҳўқия қўлувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

Бухоро аэропортининг иқтисодий-молиявий кўрсаткичлари ҳам тобора яхшиланган бўлмоқда. Рентабеллик даражаси 29,3 фоиздан 32,6 фоизга ўсди. "Атлант союзи", "Франсаэр", "Московия" каби саккизта халқаро авиакомпания билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Парвозлар ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам барча талабларга жавоб беради. Бухоро аэропорти ўтган йили 84 миң йўловчига хизмат кўрсатди. Бу ерда, шунингдек, қартер рейслар сони ҳам кўпаймоқда.

Э. ЁДГОРОВ,  
Ўза мухбири.



**Бугунги кунда Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик аҳвол минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароити ва соғлиғига, биохилма-хилликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Олимпларнинг берган маълумоти бўйича кейинги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатхи тўрт баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳаҷми ўн мартага камайди, унинг минераллашуви эса ҳудди шу миқдорда ошди. Натижада Орол инқирози минтақада жиддий муаммоларни юзага келтирди.**

Мамлакатимизда Оролбўйида экологик муҳитни яхшилаш, ушбу муаммага халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш ва минтақадаги давлатлар билан ҳамкорликда муаммоларни ечиш борисида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Қозғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг бўлиб ўтган навбатдаги учрашувига ҳам Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазият муҳофиза қилинди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентини ушбу учрашувда сўзлаган нўтида Оролбўйи ҳудудида ва умуман, минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда гоийда муҳим чоралар кўришни ҳамкорликда амалга ошириш кераклигини қайта-қайта таъкидладилар.

Ўтган йили Тошкентда "Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генотипи, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Орол инқирозининг таъсири дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам сезилаётганлиги конференциянинг кўпчилик иштирокчилари томонидан қайд этилган эди.

Республикаимизда Орол инқирозининг экологик ҳавфи қўламини камайтириш давлат даражасида, комплекс равишда ҳал этилмоқда. Ушбу минтақадаги ҳудудларнинг экологик аҳолини яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги салохиятини ошириш, аҳолини соғломлаштириш, сув билан таъминлаш, кичик бизнес, ҳўсусий тадбир-

## БАРХАНЛАР ЎРНИДА ЎРМОНЛАР

корликни ва фермерликни ривожлантириш орқали қўшимча даромад олиш учун шарт-шароит яратиш бўйича лойиҳалар рўёбга чиқаришмоқда. Жумладан, Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси, илмий муассасалар, донор мамлакатлар ва жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда илмий-амалий лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Уларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун факат кейинги ўн йил мобайлида Ўзбекистонда 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 265 миллион АҚШ долларига тенг маблағ сарфланган.

Шу билан бирга, Оролни кўтқариш халқаро жамғармасининг таъсисчи давлатлари томонидан Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш мақсадида 2004-2012 йилларда Амударё дельтасида япти сув юзаси 230 миң гектардан ортиқ ўнта кичик сунъий ҳавзалар барпо этиш, Орол денгизининг қуриган қисмида кургоқчиликка ва шўрланишга чидамли дарахт кўчатларини ўтказиш орқали ўрмон ҳўжалигини барпо этиш юзасидан йирик лойиҳалар яратилди.

Орол денгизининг қуриб қолган қисми ҳар бир гектарига 100 дан 300 тоннага турли захарли унсурларга тўйинган туз мавжуд. Бу нафакат Оролбўйи минтақасига, балки яқин-узюқдаги мамлакатлар экологиясига ҳам жиддий ҳавф туғдиради. Денгизнинг қўмликка айланган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, кўм қўчилишни тўхта-тириш, денгизнинг қараб ётган тубидан захарли моддалар кўтарилишини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган дастур бўйича "Туз ва чанг кўтарилишига қарши Оролнинг қуриб қолган ҳудудини саксовул, черкез бутталари ва шу шароитга мослашувчан ўсимликлар билан қўллаш" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Сунъий экилган ўсимликлар билан қопланиши лозим бўлган ер майдони 10 миң гектардан иборат бўлиб, тўртта участкага бўлинган. Лойиҳа ишларини амалга ошириш 2004 йилнинг март ойида Қораўзақ, Чимбой, Тахтақўпри туманларидаги ўрмон ҳўжалиқлари томонидан бошланган эди. Айни пайтгача кўм қўчилиш ва шамол йўлини тўсишга қарши қамшидан 6674 километрик механик тўсиқлар яратилди. 8120 донна саксовул, черкез, юлғун, қандим сингари бутасимон ўсимликларнинг йўқолиши ўтказилди. 2289 гектар майдонга та шўрланган ерларда унши муҳим бўлган ўсимликлар уруғи сочилиди.

Натижада барханлар бағрида мўъжизавий яшил майдонлар юзага келди. Кўм ва туз қўчилиши аввалгига нисбатан бир неча баробарга қисқарди. Худуднинг ҳайвонот ва наботот дунёси яна жонланди. Тувалоқ, булдурик, қалқик каби қўллаб қўш турлари қуриган денгиз бағридаги ўрмонзорларни яна қамон туттиди. Оролбўйи ҳудудида юзага келган жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик муҳит нисбатан

яхшиланган, иклим бир оз мўътадиллашди.

Шунингдек, денгизнинг қуриб қолган қисмида, яъни Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини барпо этиш бўйича қилинган ишлар бугун, озим-қўлим, эса самарасини бераётган. Бунинг учун, биринчи навбатда, Амударё ва коллекторлар сувини йи-

гиш учун ирригация иншооти — зорвулар қазилди. Оқдарё ва Қўмқоғдарё оралиғидаги кўлнинг сохибўйида салкам 50 километрик учта дамба кўтарилди. Натижада қўлдаги сув миқдори кўпайиб, сатхи 25 миң гектарга етди. Жилтирбас кўрфазига 38 километр узунликда банд солинди. Биргина Мақпалқўл ҳавзасида ҳозирда 63 миллион куб метр сув йиғилиб, сатхи 3,8 миң гектарни ташкил этаётган. Қўлда қурилган сув ўтказувчи қурилма Рибачье сув омборига

хавзаларнинг пайдо бўлиши натижасида Қорақалпоғистонда яна балқичлик ҳўжалиқлари қайта тиклана бошланди. Кейинги йилларда янги ташкил этилган балқичликка иктисослаштирилган фермер ҳўжалиқлари аҳоли дастурхонини лўқма ҳалол билан таъминламоқдалар.

Маҳаллий сунъий кўлларнинг биохилма-хиллигини, айниқса, сув ҳам бўлган 2001-2002, 2007-2008 йилларда сақлаб қолишда ниҳоятда катта фойдаси теғди.

Шунингдек, мамлакатимизда Оролбўйи ҳудудини иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қатор ириқ, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳам денгиз инқирозининг таъсирини камайтиришга ёрдам бераётган.

Масалан, биргина Оролбўйи ҳудудида истикомат қилувчи аҳолининг бозор иқтисодий шароитида ижтимоий муҳофиза қилиш дастури бўйича 5179 та кичик лойиҳа амалга оширилди. Улар асосида фуқароларга ҳўсусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларини ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 8158,1 миллион сўмлик заёмлар ажратилди. Ушбу маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши натижасида 40 миң оиланинг моддий турмуш фаровонлиги оширилди. Эрт асосийси, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида 7900 та янги иш ўринлари яратилди.

Мазкур ишловлар мамлакатимизда Орол муаммосини бартараф этиш йўлида изчил ҳаракат қилинаётганидан далолатдир. Дастурларда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилаётганлиги Оролбўйи ҳудудида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга, тўпрок қатламни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклашга, қишлоқ ҳўжалиқини ривожлантиришга ва шу минтақада истикомат қилувчи аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилиши, шўбаэсиз.

Абдуразақ ҚАРИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



## Экология

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ал-Иқтисодия» газетасида «Инвестиция учун ноёб мамлакат» сарлавҳали мақола chop этилди. Унда Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат тараққиётига таъсири ва Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган Инкирозга қарши чоралар ҳақидасининг амалга оширилиши ҳақида сўз юритилган.

Мақолада кулай сармоявий муҳитни шакллантириш ва тақомиллаштириш, мамлакатда хорижий инвесторлар фаолияти ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида шароитлар яратиш беришга йўналтирилган Ўзбекистоннинг узоқ муддатга мўлжалланган сисеатсия қўриги баҳо берилган. Шунингдек, унда Ўзбекистон нефть ва газ саноатининг истиқболлари ҳақида фикр юритилган ва кўплаб меҳмонларни жалб этиши мумкин бўлган мамлакатнинг асосий диққатга сазовор сайёҳлик масканлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Саудияда нашр этиладиган «Arab News» газетасининг навбатдаги сонида «Ўзбекистон чорламодоқ» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Мақола газетхонларни Ўзбекистоннинг тарихи ва ҳозирги даврдаги тараққиёти, мустақиллик йиллари давомида мамлакат ҳаётида юз берган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар билан таништиради. Унда ўзбек давлат-

қат ислом цивилизацияси, балки жаҳон фан ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақидаги маълумотларга эга бўлди.

Мақолада ушбу заминда туғилган Имом ал-Бухорий, Абу

лари ҳамда бошқа эътиборга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Тошкентнинг 2200 йиллиги нафақат юбилей санаси, балки дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган ушбу шаҳар бой тарихи-

(ISESCO) 2007 йилда Тошкентни Осиё қитъасида «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилди. Мақола муаллифларининг фикрига кўра, Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонлангани нафақат Ўзбекистон учун, балки халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга молик воқеа ҳисобланади.

«Умрон» журналининг ушбу сонида Ўзбекистоннинг сайёҳлик саноатига бағишланган мақола ҳам эълон қилинган. Унда, хусусан, «Буюк Ипак йўли»нинг марказида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент сингари тарихий шаҳарлардаги кўплаб дунё аҳамиятига эга молик маданияти ёдгорликлари ҳақида сўз юритилди. Журнал муҳлислариغا Ўзбекистон заминидан Имом ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Абдулоҳиди Фихруддин, Баҳроуддин Нақшбанд, Абу Али ибн Сино ва бошқа кўплаб муслмон олимлари, мутафаккирлар, фикхшунослар яшаб, ижод қилганликлари ҳақида маълумот берилди. Мақола муаллифлари муштарийларни Ўзбекистонга боришга ва ушбу қадимий заминда асраб-авайланиб келинган, ҳар бир муслмон кишиси учун муқаддас бўлган бебаҳо ислом қадриятларини зиёрат қилишга астойдил ундашади.

«Жаҳон» АА.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қидирув ишлари давом эттирилмоқда

Атлантика океанида ҳалокатга учраган «Air France» (Франция) авиакомпаниясига қарашли «А330-200» самолёти бўлакларини қидириш ишлари давом эттирилмоқда.

Бу тадбирга Бразилия ҳарбий кучлари кемалари жалб этилган. Илк қидирув натижаларига кўра, ҳаво лайнерининг айрим қисмлари сувдан олиб чиқилгани маълум қилинган. Кейинчалик Бразилия авиадиспетчерлик хизмати раҳбари Рамон Кардозу бу топилмалар «А330-200» лайнерига тегишли эмаслигини билдирди. Унинг таъкидлашича, сувдан чиқариб олинган бўлак бир квадрат метрлик ёғочдан ишланган парчадир. Ҳалокатга учраган самолётда эса ёғоч маҳсулотларидан фойдаланилмаган. Шунингдек, ҳудуддаги сув юзидан аниқланган ёнғил қолдиқлари ҳам нефть доғлари бўлиб чиқди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, фалокат сабаблари ҳали ҳам номаълумлигига қолмоқда. Таҳминларга кўра, самолёт гирдобга тушиб қолган ва яшига учраган. Бундан ташқари, эндиликда террорчилик ҳаракати содир этилган бўлиши мумкин, деган қарашлар ҳам илгари сурилмоқда. Эслатиб ўтайти: «А330-200» 1 июнь кuni Рио-де-Жанейро шаҳридан ҳавога кўтарилганидан тўрт соат ўтган кунда радардан йўқолиб қолган. Ушундан унинг бортида 216 йўловчи ва 12 нафар экипаж аъзоси бўлган.

## Фалокат сабаб...


Хитойнинг Чэнду шаҳрида йўловчи ташиш автобуси ёниб кетган.



Бу ҳақда «Синьхуа» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Бахтсиз ҳодиса туфайли 24 киши ҳалок бўлган, 42 киши турли даражада тан жароҳати олган. Ҳозирча фалокатга нима сабаб бўлгани номаълум. Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

## Бахтсиз ҳодиса

АҚШнинг Калифорния штати ўрмонларида ёнғин юзага келган.



«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига қараганда, табиий оғуфга яшин сабаб бўлган. Жумладан, 3 июнь кuni айнан шу ҳудудда 400 марта қамқоқ қақиб, яшил ҳудудларга таъсир қилган. Бахтсиз ҳодиса оқибатида икки киши ҳалок бўлгани айтилмоқда. Ёнғин тарқалишининг олдини олиш мақсадида тезкор чоралар кўрилмоқда. Бироқ ҳавонинг ўта намлиги бу тадбирларни ўтказишда қийинчилик туғдирапти.

## Экологик безарар автомобиль


Жаҳон автомобил саноатида етакчи корхоналардан бири саналган Япониянинг «Mitsubishi» компанияси электр энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган кичик автомобил ишлаб чиқарди.



дан бир марта қувват олдирилса, 160 километр масофага бориши мумкин. Албатта, келгусида бундай автомобилга талаб ортади. Шунинг эътиборига олган компания вакиллари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириб, шу орқали фойда олишга умид билдиришмоқда.

## Энг кекса аёл

Жанубий Африка Республикасида сайёрамиздаги энг кекса аёл вафот этди.



«BBC News» хабарига айтилишича, Молоко Темо исми бу аёл бутун умрини Лимпопо музофотида ўтказган. У шу йилнинг 4 июлида 135 ёшни қарши олди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, Темонинг неча ёшда эхалниги мутахассислар томонидан расман тасдиқланмаганига сабабли Гиннесснинг рекордлар китобига киритилмаган. Ҳозирча бу китобдан жой олган Ер юзидagi энг кекса аёл АҚШнинг Лос-Анжелес штатида истиқомат қилувчи 115 ёшли Гертруда Бейнсдир.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ЎЗБЕКИСТОН АРАБ ДУНЁСИ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

чилигининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган тарихий омилларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мақола муаллифи ўзининг Ўзбекистонга сафари чоғида олган таассуротлари билан ўртоқлашади. У Тошкент, Самарқанд ва Бухорога саёҳати давомида кўрган нодир маданий ва меъморий ёдгорликларни завқ билан таърифлайди.

«Жаҳ» (Саудия Арабистони Подшоҳлиги) ҳафталик журналида «Пои Калон меъморий мажмуаси» сарлавҳали мақола chop этилди. Унда журналхонлар қадимий Бухоронинг тарихи, унинг нафа-

Али ибн Сино каби буюк тарихий сиймолар, қадимий шаҳарда қад ростилаган тарихий меъморий ёдгорликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Муаллиф Пои Калон минораси ва масжиди, Мир Араб ва Чор Минор мадрасалари, Лаби Ҳовуз, савдо гумбази каби мажмуаларнинг қурилиши ва тарихи ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

«Умрон» (Саудия Арабистони Подшоҳлиги) журналида «Тошкент 2200 йиллик юбилейини нишонламоқда» сарлавҳали мақола chop этилди. Унда шаҳарнинг тарихи, архитектура, ўқув юрлари, илмий тадқиқот ва маданий марказ-

нинг сақланиб келиниши ва юксалишининг ёрқин шаҳодати экани таъкидланади. Тошкент ўзининг узоқ тарихи давомида кўпгина синовлар ва машаққатларни бошдан кечиргани, буюк ўзгаришларга гувоҳ бўлгани, бироқ минтақанинг муҳим маданий марказларидан бири сифатида ҳаммиша ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятини сақлаб қолгани алоҳида қайд этилади. Ушбу далилларни эътиборга олган ҳолда, Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ)нинг тузилмаларидан бири бўлган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти

## ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ

Одам савдоси дунёдаги энг ўткир, долзарб муаммолардан биридир. Мамлакатимизда ҳам бу жирканч иллатга қарши кураш бутун жамоатчилик ишига айланади.

Айниқса, Юртбошимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори одам савдосига қарши курашиш, алданиб шу йўлга кириб қолганларга кўмак бериш, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш йўлида муҳим дастуриламал бўлаётир.

...Кимларнингдир ширин ваъдаларига учиб, мўмай даромадини орозу қилиб алданганлар Охунбобоев туманида ҳам талайгина экан. Прокуратура ходимлари маълумотларига кўра, тумандан 2800 нафар киши турли мақсадларда хорижга чиқиб кетган. Уларнинг 1136 нафари тавбасига таяниб, ўз юртига қайтиб келган.

Баъзилар ҳавойи истақлар билан четга чиқиб, йиллаб, ойлаб сарсон-саргардонликда юради. Маълумки, чет мамлакатларда тиббий хизматлар пулли ёки суғурта полиси орқали амалга оширилади. Демак, бошқа юртлардан келганлар, истадилими-йўқми, малакали тиббий хизмат ололмайдилар. Шуларни на зарда тутиб, туман прокуратурасининг ташаббуси билан Бешкапа кишлоқ врачлик пункти одам савдосидан

жафо кўрган, тавба-тазарру қилиб юртига қайтган кимсаларга тиббий хизмат кўрсатадиган марказга йўналтирилади.

Айни пайтда марказ бундай фуқароларнинг соғлиқларини муҳофаза этиш, тиклаш, уларнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган маскан бўлиб қолди. Ҳафтанинг ҳар сешанба кuni юнга яқин малакали шифокор уртакга қайтган фуқароларимиз хизматида бўлаётти.

Ўқчи кишлоқлик Абуабдул Султонов, Лангар кишлоғи фуқароси Хасанбой Худойбердиев малакали хизмат учун шифокорларга миннатдорлик изҳор қилишди. Қисқа вақт ичида одам савдосидан азият чекканлар кўрқидан ўтказилди. Муложага муҳтож фуқаролар эса шифохоналарга ётқизилди.

Тиббий кўрик кунлари туман бандлик бўлими ходимлари уларга бўш иш ўринлари ҳам тақдир этишди. Ҳозиргача улардан 10 нафар доимий иш ўрнига эга бўлди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Россиянинг Ставрополь шаҳрида МДХ мамлакатларнинг 62 та олий ўқув юрти талабалари иштирокида «Болаларда жарроҳлик, анестезиология ва реаниматологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди.

## ТАЛАБАЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Мазкур халқаро конференцияда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг болалар госпитал хирургияси кафедраси талабалари муваффақиятли иштирок этишди. Улар тайёрлаган видеолавҳа ва ранг-баранг слайдлар билан бойитилган бешта илмий маъруза ҳаёбат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Натижада Фарҳод Валиев, Бахриддин Сатторов, Шоҳруҳ Юсупов биринчи даражали, Фирдавс Алиев, Умид Окитлов эса иккинчи даражали диплом билан тақдирландилар. Шунингдек, ушбу кафедрани қўшидаги талабалар илмий жамияти томонидан тақдим этилган илмий иш конференциянинг олтин медали ва биринчи даражали дипломига лойиқ, деб топилди.

М. ИБОДУЛЛАЕВ.

MAKROKREDITBANK logo and text: Маълумки, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки зиммасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган. Ушбу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда мазкур молия муассасасининг Қорақалпоғистон филиали томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, республика Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар кўмитаси, маҳаллий ҳокимликлар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказилган семинарлар натижасида банк фаолият бошлаган даврдан буён микромолия хизматларининг деярли ҳар бир оилга кириб бориши таъминланди.

## САРМОЯЛАР – ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Айни пайтда филиалнинг 4 та бўлими, 28 та минибанки, 3 та агентлиги жойларда аҳолига хизмат кўрсатмоқдаки, бу Оролбўйидаги барча шаҳар ва туманлар, олис қишлоқларни қамраб олиш имконини берди. 2007-2008 йиллар давомида банк актив миқдори 3,5 марта, кичик бизнес ва тадбиркорликни кредитлаш ҳажми тўрт мартага ортиди ва ушбу мақсадлар учун 12,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги Фармони асосида «Микрокредитбанк» Низом жамғармаси 72 миллиард сўмга оширилиши, унинг умумий миқдори 150 миллиард сўмга етказилиши кўзда тутилган эди. Ушбу Фармон бўйича имтиёзли кредитлар фоизи 5 дан 3 га, 7 дан 5 га, 14 дан 7 фоизга туширилди. Бу билан хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларининг тежалган даромадлари моддий неъмат яратишга йўналтирилишига эришилди. Бу йил филиал 4 миллиард 114 миллион сўмлик микромолиявий хизмат

кўрсатиши мақсад қилган. Жорий йилнинг биринчи чорағида 368 та кичик бизнес субъекти ва хусусий тадбиркорларга 2566,0 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Шу асосда 2100 та янги иш ўрни яратилди. Шундан микромолиявий хизматлар ҳажми 909,0 миллион сўм бўлиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи 120 фоизга удалланди. Биргина микромолиявий хизматлар йўналишида 801 та янги иш ўрни барпо этилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун ёш оилаларга 103,0 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ва тадбиркорларга 79,0 миллион сўм миқдориди микрокредитлар ажратилди. — Банкисми Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси билан яқин алоқа ўрнатиб, тадбиркор аёллар иштирокида семинарлар ташкил этди, — дейди «Микрокредитбанк» ОАТБ

Галлаоролда меҳнат ярмаркаси. Галлаорол саноат касб-хунар коллежиди бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Ярмаркада туманда фаолият кўрсатаётган 29 та корхона, ташкилот ва муассаса 110 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир якунида 102 нафар фуқарога ишга жойлаштириш учун йўланма берилди. Иш билан таъминланганларнинг аксариятини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этди.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТГА! «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК «НАМАНГАН ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» ОАЖ Наманган шаҳри, Давлатобод даҳасидаги 5 ва 5-«А» кичик туманларида фойдаланилган электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими (АСКУЭ) жорий этилиши муносабати билан ушбу тизимни ишга тушириш-созлаш ишларининг бажарилиши юзасидан ТАНЛОВ ЎТКАЗАДИ. Танлов ташкилчиси — «Наманган электр тармоқлари» ОАЖ. Танловда иштирок этиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш лозим: Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй, «Наманган электр тармоқлари» ОАЖ. Телефон: (8-369) 226-29-02.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этилди! I. РКМБ марказий идорасида 2009 йил 7 июль кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Чиноз тумани суд ижроичилари бўлими томонидан ЖИБ Чиноз тумани судининг 2009 йил 6 февралдаги 312-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чиноз тумани, Олмазор кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган, Р. Эргашевага тегишли уй-жой бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 131 119 600 сўм. Мазкур мулк билан туман суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истағидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода катнашиш истағидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли» банки Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. II. РКМБ Андижон вилояти филиалида 2009 йил 23 июнь кuni соат 11.00 да ўтказиладиган тақдирли аукцион савдосига Андижон шаҳар суд ижроичилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2008 йил 12 августдаги 2-57-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Индустрал кўчасида жойлашган, «Beta algorithm anonim shirketi» МЧЖга қарашли, жами қурилиш майдони 1962,82 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар ҳамда 126 туп мевали дарахт қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 224 752 997 сўм. Мазкур мулк билан Андижон шаҳар суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истағидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода катнашиш истағидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, СТИР: 200933850. Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шўхўчаси, 30-уй. Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 № 000004.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ МАЪМУРИЙ БИНОЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ қуйидаги объектлар бўйича қайта танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади: ЛОТ: 1 — 4. Лот-1. Фарғона вилояти Кўкон шаҳар молия ва газначилик бўлими биносини реконструкция қилиш. Бюртмачининг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғисиз — 98 177 100,0 сўм, қўйилган қиймат солиғи билан — 117 812 520,0 сўм. Қурилиш муддати — 4 ой. Лот-2. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани молия ва газначилик бўлими биносига 16x12 м. ўлчамдаги 2 қаватли қўшимча бино қурилиши. Бюртмачининг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғисиз — 168 160 070,0 сўм, қўйилган қиймат солиғи билан — 201 792 084,0 сўм. Қурилиш муддати — 6 ой. Лот-3. Фарғона вилояти Фурқат тумани молия ва газначилик бўлими биносига 8x12 м. ўлчамдаги 2 қаватли қўшимча бино қурилиши. Бюртмачининг бошланғич нархи қўйилган қиймат солиғисиз — 75 952 485,0 сўм, қўйилган қиймат солиғи билан — 91 142 982,0 сўм. Қурилиш муддати — 3,5 ой. Лот-4. Сурхондарё вилояти Денов тумани молия ва газначилик бўлими биносини реконструкция қилиш. Қурилиш муддати — 4 ой. Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти «Тошқонсалтингстройторг» давлат корхонаси. Бюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 29-уй. Телефон: 239-48-40. Талабор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги

МАДАНИЯТ хабарлари

Ижодий сулола давомчилари

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, моҳир кулол Акбар Раҳимовнинг "Ижодий сулола давомчилари" мавзусидаги кўргазмаси очилди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган ушбу кўргазмада кулолнинг 200 дан зиёд энг сара сопол буюмлари ўрин олган. Акбар Раҳимов тошкентлик кулоллар сулоласининг еттинчи авлоди бўлиб, унинг отаси Муҳиддин Раҳимов ва ўғли Алишер ишлаган миллий кулоллик асарлари — нақшкор сопол буюмлар бир қатор хорижий давлатлар музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Кўргазмада А. Раҳимов яратган, зумрад, мовий, яшил рангларда сайқалланган энг нафис буюмлар намойиш этилмоқда. Ушбу тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

М. ХОЛМАТОВА.

Адабий-бадиий кеча

Республика Кўзи охишлар жамиятининг "Санъат гулшани" маданият саройида "Бор меҳримиз — болаларга" деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Унга пойтахтимиздаги кўриш қобиляти чекланган болалар махсус мактаб-интернатларида таълим олаётган ўқувчилар таклиф этилдилар.

Тадбирда Мирозид Аъзам, Турсунбой Адашбеков, Дилшод Ражаб, Ахтамкул Карим сингари болалар шоирлари иштирок этганлиги кечага ўзгача фойда бағишлади. Жозибали куй-қўшиқлар, шеърлар ижро этган ёш истеъдод соҳибларига тадбир ҳомийлари — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Кўзи охишлар жамиятининг эсдалик совғалари топширилди.

Х. БУРХОНОВ.

Бугун биз маънавий қадрланган, демакки, инсон номи улуғланган замонда, жамиятда яшаймиз. Бу ўринда буюқ аجدодларимиз хотирасини қадрлаш борасида кўрсатилмаган юксак эътибордан, умумбашарий ва миллий қадриятлар эъозланаётганлигию истиқболимиз бунёдкорлари бўлмиш навқирон авлод учун яратилмаган бекёйс имкониятлардан ҳар қанча гурулансанк, арзийди.

МЕҲР-ОҚИБАТ — ҲАЁТ ЗИЙНАТИ

Яхшилик инсоннинг руҳини қушдай энгил қилади. Чунки яхшилик қилишга қодир одам маънавий чашмасидан сув ичган, унинг қонун-қоидаларига, азалий меъёрларига риоя қилган, бугуннинг қадрини англаган, келажакни теран ҳис этган шахсдир. Ана шундай шахслар кўпчиликини ташкил қилган жамият эса кундан-кунга ривожланиб бораверади, гуркираб яшайди.

Хизмат юзасидан турли тоифа вакиллари билан суҳбатлашамиз, уларнинг истакларига қўлоқ тутиб, интилишлари, орзу-хавасларидан, озми-кўлими, хабардор бўламиз. Қувончлиси, замондошларимиз қонунларни тушунишга ҳаракат қилаётганлари, ўз ҳуқуқларини чуқур англашга, ҳар бир масалага инсонийлик нуқтаи назари билан оғир-вазмин, етти ўлчаб бир кесибга одатланаяпти. Аммо гуруч курмакисиз бўлмайди, деганларидек, баъзан шундай тоифа кишилар ҳам учраб турадики, уларнинг гап-сўзидан кўнглинг оғрийд.

— Менинг тўртта "квартира" бор. Биттасида катта оила туради. Бир этак фарзанди бор. Ижара пулини вақтида

тўлаб келишади. Эътирозим йўқ. Шу уйни сотмоқчи бўлувдим, уйимга маҳалла оқсоқоли билан уч-тўртта чол кириб келди, — деб қолди арғўйлардан бири. — Эмишки, оиланинг бошғийи автоханага йўлиқиб, мажруҳ бўлиб қолибди. Ҳозир уларнинг бошқа уйга кўчиб ўтишга қўриб етмас экан. "Бирор йил сабр қил. Булар шу ерда яшаб туришсин", деб мени роса аврашди. Қерак бўлса, ижара пулини маҳалла йиғиб берармиш. Мен "Уйни сотишим керак. Ҳужжатим бор. Қонун мен тарафда", деб айтсам, чоллардан бири "Одамийлик сенга ҳайф" деса бўлади. Асабим бузилди. Шу чолни судга берай дедим, зўрга ўзимни босдим. Бир невараси уртгомининг дўконда ишлар экан, ҳайдатсамми деган хабардаман.

Мурожаатчининг тақдим этган ҳужжатлари жойида: ҳақиқатан ҳам қонун у тарафда. Лекин ҳар қандай қонун замирида инсон манфаати ётади. Гап фа-

ганларидек, "Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак". Зеро, савоблар баракани, ғурулликни, хотиржамликни барқарор қилади. Шундай экан, жамиятимизда юз бераётган эзгу ўзгаришлар билан бир қаторда, ўзимиз ҳам муттасил равишда маънавий дунёимизни бойитиб боришимиз, қалбимизни қурум босиб қолишимдан эҳтиёт қилишимиз лозим. Президентимизнинг ушбу сўзлари бу борада бизга, айниқса, дастурил-амаллар: "Доно халқимиз ғараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин дейди. Бағрикем, ҳалол-поқ, вимдонли, меҳр-оқибатли, эл-юртнинг ғаму ташвиши билан яшайдиган кишиларни эса, ақинча, бошига қўтари ва бундай одамлар жамият томонидан қадр-қиммат ва ҳурмат-эътибор топади".

Ақбар НАБИРАЕВ, Адлия вазирлигининг мессул ходими.

Нафосат кўриги

Пойтахтимизда "Замонавий хореография ва спорт пластикаси" бўйича халқаро мусобақалар якунланди.

Ёш иштирокчиларнинг хореографик маҳоратини ривожлантириш ҳамда уларнинг профессионал даражасини оширишга қаратилган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг 34 та хореографик гуруҳидан 447 нафар ёш қатнашди.

Мусобақа иштирокчилари беш ёшдан йиғирма беш ёшгача бўлиб, улар кичик, ўрта ва катта гуруҳлар тоифасида спорт-бал, миллий, замонавий рақслар, спорт акробатикаси ва бадиий гимнастика бўйича ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамкорлигида ташкил этилди. Мусобақа ғолиблари диплом, грант, шунингдек, тадбир ташкилчиларининг қўллаб-қувватлаш совғалари билан тақдирландилар.

Ақбар НАБИРАЕВ, Адлия вазирлигининг мессул ходими.

Беллашув

Мусобақа иштирокчилари беш ёшдан йиғирма беш ёшгача бўлиб, улар кичик, ўрта ва катта гуруҳлар тоифасида спорт-бал, миллий, замонавий рақслар, спорт акробатикаси ва бадиий гимнастика бўйича ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

Тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ҳамкорлигида ташкил этилди. Мусобақа ғолиблари диплом, грант, шунингдек, тадбир ташкилчиларининг қўллаб-қувватлаш совғалари билан тақдирландилар.

Мусобақа ғолиблари диплом, грант, шунингдек, тадбир ташкилчиларининг қўллаб-қувватлаш совғалари билан тақдирландилар.

М. КАРИМОВА.

Яхши хабарлар

"Атроф-муҳитнинг мусоаффолигини асрашга ҳар биримиз масъулмиз". Мамлакатимизда фаолият юритаётган Глобал Экологик жамғарманинг "Нурота — Қизилқум" ахборот марказини ривожлантириш кичик грантлар дастурининг шиори ана шундай.

Табиатни асраш — муқаддас бурч

Қуни кеча Форишда туман ўрмон ҳўжалиги, Айдар-Арсасой кўлар тизими инспекцияси ва Нурота давлат кўриқхонаси раҳбарияти иштирокда Бутунжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш кўни олдидан ташкил этилган анжуманда болалар табиатни, ўсимликлар ва ҳай-

вонот дунёсини асраш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди. Тадбир доирасида кўриқхона ҳудудида атроф-муҳит муҳофазаси юзасидан амалий машғуллот уюштирилди.

У. УМАРХЎЖАЕВА.

Ҳеч ким дунёни болаларчалик самимий, улар каби беғубор тасвирлай олмайди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан ташкил этилган "Дунё — болалар нигоҳида" талловига юборилган расмларни кўриб, бунга яна бир бор амин бўласиз.

Полотнодан — почта маркасига

Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилган танловда 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган 1014 нафар бола мавзуга оид чизган расмлари билан иштирок этди. Икки номинация бўйича ғолиб бўлган болалар чизган расмлар асосида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги "Дунё — болалар нигоҳида" махсус почта маркаларини чоп этиб, муомалага чиқарди.

И. АҲМЕДОВ.

Тошкентда давлат муассасалари, идоралар, агентликлар, маҳаллий ҳўжалик юртувчи субъектлар вакиллари учун "Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)дан фойдаланиш" бўйича ўқув-тренинг ташкил этилди.

Бошқарувда замонавий технология

Мазкур курс Ўзбекистон Республикасида АКТ соҳасида қабул қилинган асосий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар, "Электрон ҳўжатлар айланиши тушунаси", "Электрон рақамли имзо асослари", "Ахборот хавфсизлиги муаммолари" каби қатор мавзулар кўриб чиқилди. Машғуллотлар якунида иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Тренинг давомида "Ўзбекистон Республикасида АКТ соҳасида қабул қилинган асосий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар", "Электрон ҳўжатлар айланиши тушунаси", "Электрон рақамли имзо асослари", "Ахборот хавфсизлиги муаммолари" каби қатор мавзулар кўриб чиқилди. Машғуллотлар якунида иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Э. ДОЛИМОВ.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Хитойда энгил атлетика бўйича Осий Гран-приси якунланди. Мусобақалар Сучжоу, Куншан ва Гонконг шаҳарларида бўлиб ўтди.

Энгил атлетикачиларимиз совриндорлар сафида

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматида олинган маълумотда айтилишича, мазкур беллашувларда энг юқори балл тўплаган спортчиларга жорий йилнинг 15-23 август кунлари Берлин (Германия)да ўтказилган 12-жаҳон чемпионатида йўлланма берилди. Шу сабабли, ҳар бир босқичда бахслар мурасасиз кенди. Асосийси, ўзбекистонлик энгил атлетикачилар унда шаҳарда ўтказилган беллашувларда ҳам муваф-



фақиятли иштирок этиб, совриндорлар сафидан жой олишди. Жумладан, Гўзал Хуббиева Куншан ва Гонконгда 100 метрга юғуриш бахсларида икки марта шоҳупанинг юқори поғонасини эгаллади. Надежда Дўсанова баландликка сакраш бўйича Сучжоуда биринчи, Куншанда эса унчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Светлана Радзивиц баландликка сакраш, Александр Котлярова уч хатлаб сакраш, Ирина Мороз 800 метрга юғуриш,

Майдонда бешта ҳакам

Футбол бўйича Европа лигаси (собиқ УЕФА кубогининг) 2009-2010 йилги мавсум ўйинларини беш нафардан ҳакам бошқариб боради, деб хабар тарқатди "Associated Press" ахборот агентлиги.

ФИФА президенти Йозеф Блаттернинг таъкидлашича, УЕФА раҳбарияти шундай тажриба ўтказиш орқали майдонда юзгача келиши мумкин бўлган баҳсли вазиятларнинг олдини олишга қарор қилган. Бош ҳакам ҳар доимгидек майдон марказида ҳаракат қилади. Икки нафар ҳакам қантолларда, яна икки нафари эса дарвозалар ортида туриб ўйинларни кузатиб боради. Мутахассислар фикрича, дарвозалар ортида турадиган ҳакамлар, асосан, жарима майдончалари (қоидадан бузиш, симуляция ҳолатлари)да юзгача келадиган тортишуви вазиятларни бартараф этишда бош ҳакамга ёрдам беришади. Маълумки, майдонда беш ҳакам билан ҳаракат қилиш 19 ёшгача бўлган Европа чемпионатининг айрим саралаш бахсларида синовдан ўтказилиб, яхши баҳо олганди. Европа лигасининг саралаш ўйинлари 2009 йилнинг июль ойида бошланади. Унда "қўнра қўнра"нинг 185 та жамоаси иштирок этади.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Advertisement for Halq Banki. Title: "Мухтарам юртдошлар!". Subtitle: "Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат". Main text: "Халқ банкининг мақсадли пул-буюм ютуқли, тиражли лотереясини сотувга чиқарди." Details: "Халқ банкининг мақсадли пул-буюм ютуқли, тиражли лотереяси ютуқ фонди лотерея умумий миқдорининг 70 фоизини ташкил этади. ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТИ БАҲОСИ — 1000 СЎМ. 2009 йил охиригача 4 та ютуқ тиражи ўтказилиб, ҳар бир ютуқ тиражидида Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган турли русумли жами 18 та автомобиль, 100 та мебель тўплами, 80 та музлаткич, турли русумдаги 100 та кондиционер, 160 та телевизор, 142 та кир ювиш машинаси, 80 та DVD-плеер, 480 та турли хил гилам, 160 та велосипед, 11300 дан ортиқ уй-рўзгор буюмлари, шунингдек, 278600 та пул ютуқлари, жами 291200 та пул ва буюм ютуқлари ўйналади. Лотереянинг биринчи чиқарилиши бўйича ютуқлар тиражи 2009 йил 20 июлда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Лотерея билетларини харид қилинг ва республика товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаш билан бир қаторда, ютуқ соҳиб бўлиб, оилангизга шодлик улашинг! ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН! Мурожаат учун телефон: 150-12-91. Хизматлар лицензияланган. 2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензия."

Advertisement for XALQ BANKI. Title: "XALQ BANKI". Subtitle: "Uz-to'lov". Main text: "milliy to'lov tizimi". List of services: "• MAVLAG'LARNI BOSHQARISH • TEZKOR PUL O'TKAZISH • MOBIL BANK • INTERNET • KOMMUNAL TO'LOVLAR • UYALI TELEFON TO'LOVLARI • UY TELEFON TO'LOVLARI". Details: "Бундан ташқари, сиз республика бўйлаб миллий валюта — сўмдаги ўтказмаларни жўнатиш ва банклардаги ҳисоб рақамларингизни бошқариш имконига эгасиз. «Uz-to'lov» тизими хизматидан фойдаланиш жуда осон! Сиз унга Интернет, тўлов терминали, инфокиослар, Халқ банки ва бошқа тижорат банклари бўлимлари ҳамда тўлов тизими шохобчалари орқали қира оласиз. Тўлов — нақд пулда ёки пластик карталар билан, шунингдек, тижорат банклардаги депозит ҳисобварақангиздан амалга оширилиши мумкин. «UZ-TO'LOV» — ВАҚТДАН ЮТИШ, НАҚДАН ЮТИШ ДЕМАК! ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ! Хизматлар лицензияланган. 2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензия."

Advertisement for OB-XAVO. Title: "OB-XAVO". Subtitle: "(6 июнь)". Main text: "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгиғарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Айрим жойларда қисқа муддатли ёнгиғарчилик бўлиши мумкин. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёнгиғарчилик бўлиши мумкин. Ҳарорат тунда 13-18, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, баъзи ҳудудларда ёнгиғарчилик бўлиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Қисқа муддатли ёнгиғарчилик бўлиши мумкин. Тунда 13-18, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёнгиғарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 10-12, кундузи 29-31 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси "Toshkent" телерадиоканали давлат унитар корхонаси олий тоифали режиссёр Сайдулла НАРЗУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг онла пьозлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган қасаба уюшма қўмитаси халқаро алоқалар бўлими бошлиги ўринбосари, Халқаро бизнес кафедраси доценти Нарғиза Шамшовага шадиди бузруквори НОСИРХЎЖА отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. "Мадал" сугурта агентлиги жамоаси Қарлар бўлими бошлиги Жавлон Шараповга отаси Саиднабиҳон ШАРАПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — М. Жохионов. Навбатчи — Қ. Хлудров. Мусахҳис — Ҳ. Тошхўжаев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.20 Топширилди — 00.20 8

Footer section with contact information. Title: "Халқ сўзи Народное слово". Details: "Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 45734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўроғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. Хизматлар лицензияланган. 2003 йил 25 январдаги 25-сонли лицензия. ISSN 2010-8788. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 20.20 Топширилди — 00.20 8